

Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ушбу тайёрланган алкоголь маҳсулотлари инсон соғлиги учун хавфли бўлиб, истеъмол учун бутунлай яроқсиз экан. Ушбу маҳсулотларни истеъмол қилган қанчадан-қанча инсонлар зарарланиб, касалликка чалинишини, афсуски, нафсига банди бу кимсалар ўйлармиди?!



Онасига ачинган Ҳусан акаси Ойбек билан маслаҳатлашиб, воли-дасини наркология диспансерига ётқизди. Даволаш муолажалари наф қила бошлаганини кўрган фарзандлар уни уйга олиб келишди. Бироқ, орадан икки-уч кун ўтмай она яна эски оdatини бошлади...



Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ



1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 16-aprel, №15 (952)

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот

Тошкентда 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросими-га бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганини кайд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислом Каримов қасамёд

қилди: "Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан".

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисини ёпиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз давлатимиз сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни кенг қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Сайловчилар ушбу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг буюк келажиги учун овоз берди.



«Жасорат, бурч, матонат»

жорий йил юртимизда умумхалқ байрами —
Хотира ва қадрлаш куни мана шу шиор остида кенг нишонланади

Мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳар йили 9 майда нишонланадиган умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўз ҳаётини Ватан озодлиги учун қурбон қилган юртдошларимиз хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром, бугунги дориломон кунлар, тинч-осойишта ҳаётимиз ва халқимиз фаровонлиги учун фахрлини ҳамда миннатдорлик рамзига айланди.

"1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида" ва 2015 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонлари бунинг ёрқин далилидир.

улар кўрсатган матонат ва жасоратни кенг тарғиб қилиш мақсадида қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури тасдиқланди. Ушбу тадбирлар "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида ўтказилди. Дастурни амалга оширишда давлат органлари, жамоатчилик, ижтимоий ва тиббиёт муассасалари, маданият, санъат ва спорт намоёндалари, ҳарбий хизматчилар муҳим ўрин тутди.

9 май арафасида мамлакатимизда 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан "Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ва бир марталик пул мукофоти тантанали равишда топширилади.

Ушбу муҳим санага тайёргарлик кўриш доирасида таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда ёшларни Ватанга муҳаббат, аждодлар жасоратига садоқат, кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш мақсадида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийлари ва вакиллари иштирокида "Авлодлар учрашуви", "Кексаларга эътибор ва ғамхўрлик", "Хотира ва қадр" мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётди.

Муҳтасар айтганда, жанг майдонларида жон берган, урушдан қайтмаганлари эслаш, бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган нуруний отахон ва онахонларимизга ғамхўрлик кўрсатиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.



Айнан шу боис ушбу муҳим сана мамлакатимизда тантанали нишонланади. Жорий йилда бу сана Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги муносабати билан янада кенг байрам қилинади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фахрийларга доимий ғамхўрлик кўрсатилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Юртбошимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2015 йил 6 мартдаги

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 мартда қабул қилинган фармойиши ҳам мамлакатимизда уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганини тасдиқловчи яна бир муҳим ҳужжат бўлди.

Мазкур ҳужжат Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларни юксак ташкилий савияда ўтказиш, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган галабанинг 70 йиллигини нишонлаш, уруш ва меҳнат fronti фахрийларига эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уруш йилларида

Ўзбекистон — Польша бизнес-форуми

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида Польша Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон ва Польша бизнес тузилмалари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилди.

Форумда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги муносабатлар барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳасида ҳам жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Тадбирда Польша делегацияси аъзоларига мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар хусусида атрофлича маълумот берилди. Ўзбекистон Республикасидаги инвестициявий муҳит, Польшанинг савдо-иқтисодий салоҳияти ва икки давлат ўртасидаги ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолатига бағишланган тақдиротлар ўтказилди.

Бизнес-форум давомида Ўзбекистон ва Польша ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида икки томонлама музокара-лар ташкил этилди. Мулоқотлар якунида келажакдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Заҳри қотил дея аталувчи, қайсибир маънода маълум вақт оралиғида аста-секинлик билан инсон соғиғига мунтазам равишда пугур етказиш орқали ҳақиқатан ҳам қотиллик содир этувчи гиёҳвандлик воситалари олаи-сотаси билан шуғулланувчи шахслар ҳанузгача учраб турибди.

Бевосита вазифамиз

Хаҳрамон СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Ваҳоланки, бу офатнинг нафақат инсон саломатлиги ва ҳафсизлигига, балки криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий, маънавий ҳамда маданий негизига ҳам жиддий таҳдид солишини барчамиз яхши биламиз. Қолаверса, наркотик моддаларни инъекция орқали қонга ўтказиш жараёнида ОИТС касаллигининг кенг тарқалишига ҳам айнан шу иллат бош омил бўлмоқда.

Энг ачинарлиси эса, гиёҳвандликка асосан ёшлар ружу қўйишмоқда. Устига-устак уларни заҳри қотил билан таъминлаб турганларнинг асарияти ҳам ёшлардир. Биргина мисол. Тошкент вилоятида туғилган Холиқ Жўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пойтахтдаги олий ўқув юрларидан бирининг 3-босқич талабаси. Салкам олий маълумотли мутахассис тўғри йўлдан юриш ўрнига эгрисини танлади-ю, охир-оқибатда...

Тўғри, гиёҳвандлик моддасини Холиқ Жўраевнинг ўзи истеъмол қилмади. Бироқ, ўртада воситачилик қилишдек номаъқул йўлдан ўзини тиёлмади. 2013 йилнинг июнь ойида бир танишининг кўрсатмасига асосан жиноий шеригидан 100 грамм гашиш гиёҳвандлик моддасини 1 млн. 800 минг сўмга сотиб олган Холиқ шу куннинг ўзидаёқ заҳри қотилни бир мижозга сотиб юборди.

Орадан бир йилга яқин вақт ўтар-ўтмас, шундай ҳолат яна такрорланади. 100 грамм гашиш Холиқ орқали бир кўлдан иккинчисига ўтади.

2014 йилнинг июль ойи бошида учинчи бор ана шундай жиноятга қўл урган Холиқ Жўраевнинг қинғир фаолиятига чек қўйилди.

Суд томонидан ўз келажигига ўз қўли билан болта урган Холиқ Жўраевга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ва унинг ноқонуний муомаласига қарши курашишда жиноий-ҳуқуқий чораларни қўллаш билангина чекланмасдан, барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маъмурий ҳамда жамоат таъсири чораларини ҳам қўллаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш керак. Аникроқ қотил айтадиган бўлсақ, ушбу ҳолатга қарши курашиш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки кенг жамоатчилиқнинг ҳам бевосита вазифасига айланмоғи лозим.

Ҳар бир инсон ҳаётга ўзининг юриш-туриши, хатти-ҳаракати билан бошқалардан фарқ қилиб туради. Кимлардир жамиятда ўздан яхши ном қоладириб яшашга интилиб, умрини хайрли ишларга бахшилаётса, яна шундай тоифадаги шахслар ҳам борки, улар одамларнинг ишончини сунистеъмом қилиб, ўзгалар мол-мулкани кўлга киритиш пайида бўладилар.

Нафсининг домига илинган бундай кимсалар ўзганинг насибаси бошқага юкмаслигини ўйлаб ҳам кўришмайди. Энг ачинарлиси, баъзи кимсалар шу турдаги қилмиши учун бир неча бор жавобгарликка тортилса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармайди. Шундайлардан бири Жаҳонгир Низамовдир.

Жазони ижро этиш маъсасасида Ботир исмли маъбус билан танишиб, дўст тутиган Жаҳонгир озоликка чиқаётганида таниши ундан оиласидегиларга соғ-саломат эканлигини етказиб қўйишни илтимос қилади. Тошкентга келиб, Шаҳноза опага ўғлининг ҳолидан хабар етказган Ж.Низамов тезда оиланинг яқинига айланади. Кунларнинг бирида Шаҳноза опа "Каптива" русумли автоулов харид қилиш ниятида эканлигини айтиб қолади. Бундай "имконият"ни кўлдан бой беришни истамаган

Ўзгалар мулкига кўз олайтирганлар

Жаҳонгир дарҳол дўстининг онасини авраб, машина олиб беришни ваъда қилди.

Орадан 10 кун ўтиб кириб келган Ж.Низамов онахондан 20 минг АҚШ долларини, бир неча кундан кейин эса яна 18 минг долларни олиб кетади. Пулларни олгунча ваъдани қуюқ қилган Фирибгар Шаҳноза опанинг "Машинани қачон олиб келасан?", деган саволига ҳар хил баҳоналар ўйлаб топиб, соясини ҳам кўрсатмай юраверади.

Дўсти туғул туғишганига ҳам панд беришдан тоймайди Фирибгар бу билан дўштан қолмайди. У энди янги "ўлжа"ларни кўлга киритиш пайига тушади. Шундай кунларнинг бирида улгурчи савдо билан шуғулланувчи "Dos in inprex" МЧЖ раҳбари Малик Маҳмудов билан танишади. Уларнинг бу танишуви жиноий шерикли келишувига айланиб кетади.

Улар ўзаро келишиб, темир маҳсулотлари сотиб олиш ниятида бўлган "Internet Group" МЧЖ раҳбари Ж.Турдиевни чув туширишга киришишади. Жаҳонгирнинг саяё-ҳаракатлари билан икки фирма ўртасида шартнома тузилади. Шартномага асосан, "Internet Group" МЧЖ металпрокат сотиб

олиш учун "Dos in inprex" МЧЖнинг ҳисоб рақамига аввалига 200 млн. сўм, кейинчалик яна 120 млн. сўм маблағни ўтказиб беради.

Ж.Низамовнинг "шарофати" билан фирмасининг ҳисоб рақамига шунча пулни ўтказиб олган М.Маҳмудов шартномада кўрсатилган мажбуриятини бажаришга келганда ҳар хил найранглар кўрсата бошлайди.

Келишилган вақтда маҳсулотларнинг етиб келмаганидан хавотир олган Буюртмачи ўртада "воситачилик" қилган Ж.Низамовни қидиради. Лексин у ҳам тутқич бермайди.

Табиийки, ҳеч ким шунча маблағини осонгина бировга тутқазиб юборишни истамайди. Фирибгарларни излаб топишга астойдил бел болаган Ж.Турдиев "Dos in inprex" МЧЖ жойлашган манзилга ҳам боради. Бироқ у ердан ҳеч кимни тополмай, "тарвузи кўлтигидан тушиб", ортага қайтади.

Орадан маълум вақт ўтганидан сўнг қутилмаганда Жаҳонгирнинг ўзи кўнғир-қотил қолади-да, Буюртмачи пулларини талаб қила бошлагач, янги най-

Абдулло ҚОДИРОВ,
Яккасарой туман прокурори

рангни ишга солади. Бу савфар у уч томонлама қарзни ўтказиш шартномасини расмийлаштириш таклифини билдиради. Қандай қилиб бўлмасин пулини қайтариб олишни ўйлаган Буюртмачи бу таклифга розилик билдиради.

Шу тариха қарзни ўтказиш ҳақида шартнома тузилади. Бироқ "Internet Group" МЧЖ ҳисоб рақамига 20 млн. сўм ўтказилади, холос. Фирибгарлардан пулларини осонликча қайтариб ололмастлигига кўзи етган Ж.Турдиев ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилади.

Мазкур ҳолат юзасидан айбдорлар кўлга олинди, одил суд ҳукмига ҳақола этилди. Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди Ж.Низамовга 5 йил-у 2 ой муддатга озоликка маҳрум қилиш, М.Маҳмудов ва Ю.Абдуллаевларга эса тегишли муддатларда раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда жарима жазоси тайинлади.

Самарқандда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар Мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси ва бўлимлари раҳбарлари, туман-шаҳар прокурорлари ҳамда соҳага алоқадор идоралар вакиллари иштирок этиди.

Чорак якунлари муҳокама қилинди

Улуғбек ҲАМДАМОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи ўринбосари

Йиғилишда жорий йилнинг уч ойида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган муайян ишлар натижасида вилоят бўйича жиноятларнинг умумий сони 0,8 фоизга, оғир ва ўта оғир жиноятлар 9,4 фоизга, қасддан одам ўлдириш 13,3 фоизга, товламачилик 25 фоизга, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 30,9 фоизга, безорилик 21,9 фоизга, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 60 фоизга, шунингдек, гуруҳлар томонидан жиноят содир этилиши 14,3 фоизга, рецидив жиноятлар 8,3 фоизга ҳамда аёллар томонидан жиноят содир қилиниши 11,6 фоизга камайганлиги таъкидлаб ўтилди.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жойлардаги давлат бошқаруви идоралари ва қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш борасидаги вазифаларни самарали ташкил этиш ҳамда умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицей ўқувчиларининг таълим-тарбиясини такомиллаштириш, одам савдоси ва ёт оқимларга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар аҳоли ва самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва масъул идоралар раҳбарларининг ахборотлари тинланди.

Йиғилиш якунида фаолиятда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ва самарадорликни янада оширишга қаратилган чораларни белгилаш бўйича қарор қабул қилинди.

Кассага эмас, кассага...

Санжар ШАРОПОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Қизилтепа туман бўлими бошлиғи

Ўртимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик субъектлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бугун мамлакатимизда яппи ички маҳсулотларнинг ярмидан кўпини айни шу соҳада ишлаб чиқарилаётгани, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳолининг катта фоизи кичик бизнес улуғиша тўғри келаётгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, бу натижа ва муваффақиятлар иқтисодий тараққиётга эришишнинг тўғри танланган йўли самарасидир. Шу сабабли, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўплаб имтиёз ва преференциялар яратилмоқда. Бу эса тадбиркорларимизни янада юксак марраларга руҳлантирмоқда.

Айни пайтда шунга ҳам унутмаслигимиз керакки, яратилаётган имкониятлар билан бир қаторда қонунчилигимизда тадбиркорлар зиммасига баъзи бир мажбуриятлар ҳам оқлатилган. Афсуски, бу талабларни ҳамма ҳам тўғри тушуниб етмайпти. Масалан, Сарафшон шаҳрида фаолият олиб бораётган масъулияти чекланган жамиятлардан бирининг раҳбари Эркин Бўриев (исм-фамилияси ўзгартирилган) шу лавозимда 2012-2013 йиллар ва 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида фаолият юртган. Аниқланишича, у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига зид равишда 9 млрд. 185 млн. 503 минг сўмлик харидорғир ва тез сотилувчи товарларни нақд пулга сотиб, савдодан тушган нақд пул маблағларини назорат-касса машинасидан ўтказмай ҳамда банк муассасига топширмай, бошқа мақсадларда ишлатиб юрган.

Э.Бўриев ноқонуний қилмишларини яшириш мақсадида корхонанинг қатъий ҳисобидаги ҳужжат ҳисобланган МЧЖнинг текширув давригача бўлган молиявий фаолияти билан боғлиқ ҳазина китоби, ҳазина ҳисоблари, бош китоб, иш ҳақини ҳисоблаш, ишонч ҳоқозларини рўйхатга олиш, қарздорликларни рўйхатга олиш, ҳисоб-варақ фактураларини рўйхатга олиш китоблари, оборот ведомостлари, ҳисоб-варақ фактуралари ва бошқа бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини қасддан нобуд қилган.

Қонунобуз тадбиркорга нисбатан суд ўзининг одил ҳукмини эълон қилди.

Тадбиркорлик доимий эътиборда

Мамакатимизда тадбиркорлик ҳар томонлама ривожланиб, пировардида иқтисодиётни барқарор юксалтиришни, янги иш ўринлари яратишни, аҳоли даромадларини оширишни мустақам таянчига айланиб бормоқда. Бундай мақсадларга эришишда эса тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган қонуний асосларнинг изчил такомиллаштириб борилаётганлиги муҳим ўрин тутмоқда.

Албатта, ҳар қандай қонун ижроси билан кучли. Шу боис ҳам прокуратура органлари томонидан республикада ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳақ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат олиб боришмоқда.

Назорат тадбирларида жойлардаги давлат бошқаруви органлари, архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва кадастр хизмати, солиқ идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиш, фаолиятига асоссиз аралашуш каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриляпти. Текширишларда айрим маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлар манфаатларини

поймол қилувчи ноқонуний қарорлар қабул қилиш ёки мажбурият юклаш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Мисол учун, Пешку туман ҳокимининг қарори билан фуқаро К.Исмаиловага футбол майдончаси ва спорт аномаларини сотиш мажмуаси қуриш учун ер майдони ажратилиб, ушбу ишларни бир йил муддатда бажариш вазифаси юклатилган. Ушбу ноқонуний қарор прокурор протестига асосан бекор қилиниб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бугунги кунда тадбиркорларнинг мурожаатларини қонуний асосларда ҳал қилишга эътибор янада кучайтирилди. Лекин айрим ҳолларда маҳаллий ҳокимликлар ва назорат-текширув органлари томонидан тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқмаслик ёки кўриб чиқиб муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, Ташкент вилоят

архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Б.Ходжамуродов Пискент туманидаги "Кулибобов Файс" фермер хўжалиги раҳбари Г.Кулибобовнинг ер майдони ажратилиш ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқмаган. Мўноқ туман ҳокимининг 1-ўринбосари Т.Мамбетмуратов эса 3 нафар тадбиркорлик субъектининг мурожаатини кўриб чиқиб муддатларини бузган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тегишли қонун ҳужжатлари асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш тартиб-таомилларининг соддалаштирилиши эса улар сафининг янада кенгайишига замин яратди. Лекин шунга қарамай, айрим маҳаллий ҳокимликлар хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда ортиқча ҳужжат талаб қилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Масалан, Олтиариқ туман ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи А.Абдуллаев тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишни сўраб мурожаат қилган "Олтиариқ Бек Файз" фермер хўжалиги

раҳбари Т.Узақовдан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш орқали унинг қонуний фаолиятига тўсиқлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Афсуски, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай баъзи жойларда назорат-текширув органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқонуний текшириш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Мисол учун, Миробод туман ДСИнинг чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўлими бошлиғи Б.Қодилов ва 5 нафар ходим "Техноинвест-СТ" масъулияти чекланган жамиятига қарашли ишлаб чиқариш корхонасида ноқонуний равишда текшириш ўтказганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Айрим ҳолатларда эса назорат-текширув органлари томонидан тадбиркорлар қонунга хилоф равишда маъмурий жавобгарликка тортилган. Масалан, солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги учун "Юнус технолог" масъулияти чекланган

Икромжон ИСКАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари

жамияти раҳбари М.Иноятовни маъмурий жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлсада, у Юқори-чирчиқ туман ДСИ бошлиғи А.Юлдашевнинг ноқонуний қарори билан жавобгарликка тортилган. Мазкур қарор прокурор протестига асосан бекор қилинди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тезкор ҳамда тўлақонли ҳимояланиши таъминлаш мақсадида прокуратура органлари тизимида жорий этилган ишонч телефонларига келиб тушган 215 та мурожаат қаноатлантирилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали 2899 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 61 миңдан ортиқ тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ўтказилиб, уларга турли масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ҳуқуқий ҳимоя асосий вазифаларимиздан биридир

Мамакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида улкан ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда Юртобшамиз томонидан прокуратура органлари зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида муҳим ва масъулиятли вазифалар ҳам юклатилмоқда.

Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинган 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам ана шу мақсадлар учун хизмат қилмоқда.

Мазкур фармон билан Бош прокуратурада ташкил этилган Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармасининг асосий вазифалари белгилаб берилди. Бош прокурорнинг 2014 йил 4 августдаги 110-сонли буйруғи билан тасдиқланган низоми асосида мазкур Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларга мувофиқ, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш Бош бошқарманнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органларига ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган муддатларда ўрганиш тартиби жорий этилди.

Бундан қўзғалган мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларига оид қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини ўз вақтида ўрганиб, турли хато ва камчиликлар ҳамда қонунбузилишларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, хусусан, ўтган йилнинг ав-

густ-декабрь ойларида 292 миңдан ортиқ ҳуқуқий ҳужжат ўрганилиб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган ва ноқонуний деб топилган ҳужжатлар прокурорларнинг протестларига асосан бекор қилинди. Бунинг натижасида 1360 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бевосита Бош прокуратура томонидан республика давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимига қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, қонунчилик талабларига зид деб топилган ҳужжатлар бўйича 163 та протест келтирилди. Жумладан, "Узгидромет" маркази ички меҳнат тартиби қоидаларига ҳодимларга меҳнат интизомини бузганлиги учун Меҳнат кодексининг 181-моддасида белгиланган интизомий жазолардан ташқари бошқа таъсир чоралар ҳам қўлланилиши мумкинлиги ноқонуний киритилган бўлса, айрим органлар томонидан белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда, умуммажбурий тусдаги ҳужжатлар ишлаб чиқирилиб, амалиётда фойдаланиб келинган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги Низоми талабларига зид равишда, "Ўзбекино" Миллий агентлиги Бош директорининг 2014 йил 2 сентябрдаги буйруғи билан умуммажбурий тусдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига импорт қилинадиган аудиовизуал асарларни эксперт баҳолаш" ва "Ўзбекистон Республикасида экспорт қили-

надиган аудиовизуал асарларни эксперт баҳолаш" тартиблари тасдиқланиб, жорий қилинган.

Қонунчиликка зид бўлган мазкур ҳужжатларнинг Бош прокуратура протестлари асосида бекор қилиниши таъминланди.

Ҳудди шундай, жойлардаги давлат бошқаруви ва назорат-текширув органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлардан ноқонуний бўлган 1859 таси прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ноқонуний ҳужжатларнинг асосий қисми соғлиқни сақлаш, ички ишлар, олий ва ўрта махсус таълим, молия ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат солиқ ва "Ергеодез-кадастр" қўмиталари тизими ҳисобида тўғри келади. Жумладан, фуқаро Р.Қосимов Фарғона шаҳар ИИБ профилактика инспектори И.Отақулов томонидан МЖТКнинг 309-моддаси талабларига зид равишда ноқонуний маъмурий жазога тортилган.

Шунингдек, текширишларда айрим ҳудудий солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини чекловчи ёки поймол қилувчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳам аниқланди. Масалан, Андижон шаҳар ДСИ раҳбари томонидан "Жаҳон савдо элегант" МЧЖнинг банкдаги ҳисоб рақамини ёпиш ҳақида қабул қилинган қарор прокурорнинг протести асосида бекор қилиниб, қонунбузилишига йўл қўйган солиқ инспектори Б.Салоҳутдинов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳужжатларида қонун талаблари бузилганлиги аниқланиб қонунчиликка зид равишда қабул қилинган ҳужжатлар прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди.

Бундан ташқари, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган ҳокимликлар томони-

Умирбек МАДРАХИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

дан қабул қилинган 11 та ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликларининг 1182 та ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам протестлар асосида бекор қилинди. Масалан, Қарши шаҳар ҳокими А.Ачилов ҳўжалик юритувчи субъектлар зиммасига футболни ривожлантириш жамғармасининг ҳисоб рақамига турли миқдорда пул маблағларини ўтказиш, Қарши туман ҳокими Ж.Бобоев эса тадбиркорлик субъектларига милиция таянч пунктларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини бажариш мажбуриятини юклаган ҳолда ноқонуний фармойиш қабул қилганлар.

Мазкур ноқонуний қарорлар прокурорлар протестлари асосида бекор қилиниб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тикланди.

Давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа идоралар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ўрганилиши натижасида ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 3559 та протест келтирилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 743 та тақдимнома киритилди, 1085 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Натижада қонунчиликка зид бўлган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилиниб, 2972 та қонунбузилишлар бартараф этилди, 1360 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хулоса этилган шунга айтиш жоизки, жорий ўрinda ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш тизими қонунбузилишларнинг профилактикасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган ишлар кенг миқдoрда олиб бoрилмақдa. Ҳар бир шахс ўзи ёки бошқалар билан бирга ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоят билан мурожаат этиб, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини рўёбга чиқариши ва ҳимоя қилиши мумкин. Шу боис миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг мурожаатлари масаласига алоҳида ўрин берилган. 2014 йил 4 декабрда матбуотда эълон қилиниб, расман кучга кирган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этишининг тартибини янада такомиллаштирди.

Инсон тақдирига дахлдор



Гулчехра РАЗЗОҚОВА,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси
катта инспектори

Ушбу қонунда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинид ҳамда соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари учун жавобгарлик белгиланиб, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартиби аниқлаштирилди. Мурожаатларни бeриш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарарининг ўрнини қоплаш ва маънавий зиёни компенсация қилиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам қонунда ўз ифодасини топди.

Хусусан, ўтган йил давомида юридик ва жисмоний шахслардан бошқармага келиб тушган 378 та мурожаатнинг барчаси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилиши таъминланган. Бевоқиф кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан келиб тушган 30 га яқин мурожаат алоҳида назоратга олиниб, улар тегишли тартибда ўрганилди ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Масалан, "SoQOQ Zabardast Omad" XK раҳбари Рашид Пулатовнинг "Modern Electronics" МЧЖга шартнома асосида ўтказиб берилган 20 млн. сўмга компьютер ва маиший техника ускуналарини ололмаётганидан норози бўлиб ёзган мурожаат ўрганилиб, ушбу фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Фуқаро С.Жалолов эса "Жанжу бизнес плюс" МЧЖнинг думалоқ муҳри босилган ҳисоб варақани қалбақлаштириб, хорижда ишлаб чиқарилган 6 млрд. 947 млн. сўмлик 28 турдаги ҳўжалик гигиеник маҳсулотларини ноқонуний равишда бозор ва савдо дўконларида нақд пулга сотган. Департаментнинг Оқўрғон туман бўлими ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида ўтказилган тадбирда бир томонлама тўлдирилган "Жанжу бизнес плюс" МЧЖнинг муҳри босилган 15 та ҳисоб варақа, маҳсулотлар савдоси юритилган ён дафтлар, хорижда ишлаб чиқарилган ҳўжалик гигиена маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олинган. Ноқонуний ишга қўл урган ҳуқуқбузарга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ёки яна бир мисол. Оқўрғон туманидаги "Ҳасанобод", "Истиклол", "Кўшдавлат ота", "Бойман ота", "Мўйиддин Турдали ўғли", "Саодат Бекназарова" номли фермер хўжалиқлари раҳбарлари ўзларига тегишли бўлган дизел ёқилгилари талон-торож қилинганлиги ва бу билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ёрдам бeришни сўраб, ариза билан департаментнинг Оқўрғон туман бўлимига мурожаат қилишади. Мазкур мурожаат юзасидан олиб берилган тезкор тадбирлар натижасида фермерларнинг иқтисодий ҳуқуқлари тикланди. Тегишли давомида "Пахта нефтбазиси" УКга қарашли 38-сонли Маданият шохобчаси собиқ катта оператор А.Темирбоев томонидан фермер хўжалиқларига тегишли бўлган 6 млн. 587 минг сўмлик 2745 кг дизел ёқилгисининг талон-торож қилинганлиги аниқланган. Бундан ташқари, А.Темирбоевнинг 2013 йилнинг январь ойидан декабрь ойига қадар дизел ёқилгисини тарқатиш варақаларида 8 та хўжалик раҳбарининг имзоларини қалбақлаштириб, 19721 кг. дизел ёқилгисини чиқим қилганлиги аниқланган. Ушбу талон-торож қилинган 19721 кг. дизел ёқилгиси билан 630 гектарга яқин ер майдонига ўз вақтида агротехник ишлови бeрилиши, бу эса албатта, ҳосилдорлиқнинг юқори бўлишига замин яратишини А.Темирбоев жуда яхши биларди. Бирок...

Ушбу манфаатини барча нарсдан устун қўйиб, фермерларнинг иқтисодий манфаатига путур етказган ҳолда қонунбузилиш ҳолатини содир этган ҳуқуқбузарга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, унга суд томонидан тегишли жазо тайинланди ва етказилган зарар тўлиқ қопланди.

Қонун деганда одатда, ҳамият осойишталиги ва тараққиётга хизмат қилувчи меъёрий ҳужжатлар кўз олдимизда гавдаланади. Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий принципларидан бири қонун ва унинг устуворлигидир. Хусусан, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам айнан фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида қўшимча қарорлар яратар экан, ҳар бир мурожаатнинг тезлик билан, ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ўз вақтида ҳимоя қилиниши баробарида, мансабдор шахсларнинг ҳам фуқаролар билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада кучайтиради.

Барчамиз масъулмиз

Жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни вояга етказишда таълим ва тарбиядаги уйғунлик, оила, маҳалла, таълим маскани, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг ҳамжиҳатликка иш олиб бoриши муҳим аҳамият касб этади.

Аслиддин УМУРОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Бухоро туман прокуратураси томонидан "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси таъминланиши таҳлил қилинди. Назорат тартибдаги текшириш жараёнида аудиторияда дарсда қатнашиши лозим бўлган 30 нафар ўқувчининг 13 нафари йўқлиги ўқув маскани мутасаддиларининг фаолиятида камчиликлар борлигини кўрсатиб турибди.

Бошқа гуруҳда ўқувчилар машғулотда юз фоиз иштирок этаётганидан хурсанд бўлдик. Аммо фан ўқитувчиси гуруҳ журналида 3 нафар ўқувчи йўқлигини қайд этиб қўйган бўлишига қарамасдан, дарсда 6 нафар ўқувчи иштирок этаётганлиги, бўш парталар йўқлиги жумбоққа ўхшарди.

Касб-хўнар коллежларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг дарсларда мунтазам қатнашишини назорат қилиш, ота-оналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадига давлат бюджетидан миллион-миллион пул сарфлаб, "Давомат" мониторинги дастури бўйича турникетлар ўрнатилган. Ҳар бир ўқувчига берилган бейжик орқали таълим масканига келганлиги ҳақида маълумот тушган, ота-онанинг қўл телефонига хабар юборилди. Афсуски, текшириш ўтказилган кун коллежда таҳсил олаётган 1147 нафар талабанинг атиги 350 нафари турникетдан ўтиб, дарс машғулотларига кирган. Ўқувчининг таълим маскани маъмурияти томонидан қўйилган талабга бефарқлиги эса ўқитувчи, гуруҳ раҳбарларининг масъулиятсизлигидан далолат бeради.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бeриш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хўнар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўққонлик қилиш эса энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Туман прокуратураси, ИИБ ходимлари, маҳаллалар раислари иштирокида Бухоро туман ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан вояга етмаган болалари умумтаълим мактаблари ва касб-хўнар коллежларида дарс машғулотларини мунтазам қолдириб келаётган ёки боласининг ўқишга бoришига тўсқинлик қилган, фарзандлари тарбияси бoрасидаги мажбуриятини унутган 7 нафар ота-онага нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар кўриб чиқилди.

12 йиллик мажбурий таълим ва тарбиядаги узвийлик, баркамол авлоднинг вояга етказиш масаласи ҳар биримиз учун умумийлик, умумдавлат миқёсдаги долзарб вазифа саналади. Бинабарин, бугун униб-ўсиб келаётган йигит-қизлар юртинг эртаси, миллатнинг кeллагадир. Уларнинг тақдирини бефарқлик кечирилмас ҳатоидир.

Матбуот анжумани

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Адвокатлар палатаси ҳамкорлигида «Адвокатура институти — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси йўлида» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Соҳани янада ривожлантириш йўлида

Тадбирда сўзга чиққанлар инсон ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг малакали ҳуқуқий ёрдам олишига бўлган конституциявий ҳуқуқни рўёбга чиқариш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Юртбошимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишлари юретишининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий қондан амалга оширишда муҳим омил бўлди.

Мазкур фармон адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, соҳа мутахассисларининг мустақиллиги қаролатларини кучайтириш, нуфузини янада ошириш, адвокатура институтини ислоҳ қилишда ҳар жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Бoиси ушбу фармон асосида учта қонун, бешта ҳуқумат қарори, тўққизта идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Улар асосида мамлакатимизда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судлов сифати ва тежорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизда нафақат жиний жавобгарликка торти-

лаётган ёки жабрланган шахснинг, балки гувоҳнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари адвокат орқали ҳимоя қилиниши мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қаролатларининг янада кучайишига пойдевор бўлди.

Шу билан бирга, мазкур соҳанинг ташкилий асосини такомиллаштиришга ҳам эътибор қаратилиб, Адвокатлар палатаси тузилди. Палата эса адвокатуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтиришга, аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишга қаратилган маърифий тарғибот тадбирларини ўтказиб кeлмоқда. Шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, судда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, аҳолининг юридик ёрдамдан фойдалана олиш имкониятини туманлар ва шаҳарларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш орқали таъминлаш, адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига, касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошираётди.

Омвий ахборот воситалари вакиллари томонидан адвокат касбига қўйилган талаблар, лицензия бeришининг тартиб-таомиллари, соҳа мутахассислари малакасини ошириш, қонунчиликда адвокат хизматида фойдаланишининг ҳуқуқий асослари ҳақидаги берилган саволларига мутахассислар керакли жавоблар бeришди.

Ўз мухбиримиз

Мурожаатлар — жамият кўзгуси

Мустақилликнинг ўтган йилларида мамлакатимизда улкан демократик ислохотлар амалга оширилди. Жамият ўз тараққиётида янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий босқичга кўтарилди, энг асосийси, фуқароларнинг дунёқароши, ҳуқуқий онги ўсди. Бундай ўзгаришлар, ўз навбатида, амалдаги қонунчиликни, шу жумладан, фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни, унинг нормаларини бугунги кун талабларига мослаштиришни тақозо этди.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир. Унга қадар мурожаатларни кўриб чиқиш масалалари 2002 йилда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солиб келинган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини тайёрлашда республиканинг масъул вазирлик ва идоралари қаторида прокуратура органлари томонидан ҳам муайян ишлар олиб борилди. Шунингдек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий ва МДХ давлатлари амалиёти ҳам ўрганиб чиқилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 16 мартдаги халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи, унда билдирилган соҳага доир тандиқий фикрлар мазкур қонун лойиҳасини изчиллик билан пухта ва сифатли ишлаб чиқишга, уни кенг доирада атрофлича муҳомададан ўтказган ҳолда қабул қилишга, шакл-шубҳасиз, асосий туртки бўлди. Айниқса, Юртбошимизнинг сессиядаги: "Хар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим", деган сўзлари ҳар бир фуқаронинг ўраига, масъул шахснинг эса диққат-эътиборига етиб борди деб ўйлаймиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб, жамиятимизда фуқаро ва ташкилотларнинг ариза, таклиф ва шикоятла-

Мурожаатларнинг қонундаги мавжуд озғани ва ёзма шакллари қаторига "электрон" шаклдаги мурожаатлар ҳам қўшилди ва бу мурожаат шакли ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди.

Юридик шахснинг мурожаатида унинг реқвизитлари тўлиқ кўрсатилиши, корхона раҳбари ёки ваколатли шахс имзоси билан, электрон мурожаат эса электрон рақамли имзо (шифр) билан тасдиқланган бўлиши, мурожаат этувчиларнинг вақиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозимлиги каби талаблар ҳам қонунда ўз аксини топди. Шу билан бирга, халқаро нормалар талабларидан келиб чиқиб, мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Қонунга бундан ташқари, мурожаат этувчиларни қабул қилиш масаласига доир бир қатор ўзгаришлар ҳам киритилди. Жумладан, қабул қилиш жадваллари, уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабул қилинган ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендаларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши белгилаб қўйилди. Давлат органларининг шахсий қабулини ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатларига қирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда, қабулни рад этишга ҳақиқ эмас, ушбу модданинг бешинчи қисмида (муқаддам қарор қабул қилиниб, рад этилган бўлса) назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар шахсий қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш давлат органининг ваколатларига кирмаса, тегишли мансабдор ёки бошқа ваколатли шахслар мурожаат этувчига мурожаатда баён

этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси орган ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтириши керак.

Шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан махсус техника воситалари (аудио ва видео ёзув, шунингдек, фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин. Давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Бундан ташқари, қонунда ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларга риоя этилишининг кафолатларини таъминлаш бўйича янги норма киритилди. Яъни давлат органлари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқиши учун қоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминлаш бўйича ўз ваколатларига доирасида қоралар кўриши шарт.

Қонунга шунингдек, мурожаат этувчиларнинг ҳафсизлиги кафолатларига, мурожаатларни кўриб чиқиш тартибларига оид янги нормалар киритилди. Унга кўра, мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи сўраган қўшимча ахборот давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўраётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Мурожаат этувчи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқиш имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан қақирилиши мумкин.

Отабек ШАИМОВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори

Қақирилган мурожаат этувчи келмаган тақдирда, давлат органининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш имкони йўқлиги ҳақида жавоб юборади.

Бундан ташқари, қонунда жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилганига қадар ва кўриб чиқилмаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилинганга қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қақириб олиш ҳуқуқига эгаллиги ҳам белгиланди.

Ушбу қонунга кўра, ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узои билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Шунингдек, қонун қайси мурожаатлар кўрилмаб қолдирилиши масаласига ҳам аниқлик киритди. Қонунчи, аноним, ваколати бўлмаган шахс томонидан берилган мурожаатлар ва қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўрмасдан қолдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қўшимча кафолатлар яратди. Бундан ташқари, мансабдор шахсларнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада қучайтиришнинг таъсирчан чораси бўлиб хизмат қилади.

Кексаларнинг ижтимоий ҳимояси

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Чунки давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги адолатли сиёсий ижтимоий задиятларнинг олдини олиш ҳамда тинчлик ва барқарорликнинг сақланишида катта рол ўйнайди.

Юртбошимиз Ислам Каримов давлатнинг ижтимоий ҳимоя борасидаги сиёсати айниқса, ўтиш даврида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ислохотларни амалга оширишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида кучли ижтимоий ҳимояни белгиланган эди.

Кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати мамлакатимиздаги қонунчилик тизимида ҳам тўла акс этган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига мувофиқ: "Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда

ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас".

Юртбошимиз томонидан 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилиниши мамлакатимизда кекса авлод вақилларга бўлган ҳурмат ва эътиромнинг яққол ифодаси бўлди.

Кекса ва ёши улуг инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича илгор ҳуқуқий нормалар бугунги кунда инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро стандартларда ўз аксини топган. Жумладан, "Инсон ҳуқуқлари умум-

жаҳон декларацияси"нинг 25-моддасида "Хар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмаб қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга" эканлиги белгиланган.

Мамлакатимизда кексаларни моддий ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари юқорида қайд қилинган халқаро стандартлар талабларини ўзида мумассас этади.

Кекса ёшдаги инсонларнинг парваридиш ва тиббий муолажага бўлган эътиёжларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан

Жўрабек РАҲМОНОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори

2012 йил 15 мартда "Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу асосда бугунги кунда мамлакатимизда минглаб ёши улуг инсонларга сихатҳоқларга бориб дам олиш ва даволаниш имкониятлари яратиб берилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, энг аввало, кексаларнинг доимий давлат ва жамият гамхўрлигида бўлишини кўзда тутди.

Ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати, тараққиёти ва келажагини яхши таълим-тарбия олган баркамол авлод белгилаб бериши барчамизга маълум. Шу боис, юртимизда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Бугун олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун абитуриентлардан юскак салоҳият ва кучли билим талаб этилаётгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Йилдан-йилга ортиб бораётган рақобат муҳитида муно-

«Ҳожатбарор» фирибгар

сиблар ичра муносибларигина талаба деган номга сазовор бўлмоқда. Биламизки, олдига аниқ мақсад қўйган абитуриентлар мустақил равишда олий таълим муассасаларидаги имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўришади. Шу билан бирга, улар турли ўқув марказларидаги курсларга қатнаб, малакали устоз ва мураббий кўмаги билан билимларини мустаҳкамлашади.

Саодат Эгамова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам имтиҳонларга аввалроқ тайёргарлик кўриш учун жияни Севара Рузматовани тажри-

бали ўқитувчиларга бириктириш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Республика тил ўқитиш марказига олиб келади.

Бу ерда яратилган шароит ва имкониятлар С.Эгамовага маъқул келади. Уларга пешвоз чиққан марказ ўқитувчиси Назира Сатагова эса меҳмонларнинг ўй-хаёллари билан ўртоқлашади. Гап орасида ўқитувчининг фикри бузилиб, уларнинг ишончига кириш режасини тузади.

Тез орада Назира Сатагова юқори лавозимда ишлов-

Бекзод ЯКУБОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
бўлим катта инспектори

чи танишлари орқали уларнинг ҳожатини чиқариши мумкинлигига ишонтариб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг "Инглиз филологияси" факультетига ўқишга кириштиш учун 8000 АҚШ доллари беришга кўндиради. Шундай бўлсада, фирибгарнинг найранги иш бермади. У ушбу пуллари олаётган вақтда Бош

прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди.

Барчамиз таълим масканларида фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийларимизни тараққиётнинг етакчиси, деб атаймиз. Назира Сатагова сингари шахслар эса ўқитувчи номига доғ тушириб, эл ичида шарманда бўлаётир.

Юқоридаги ҳолат ҳам энди камолот нарвонидан поғонама-поғона юксалиб бораётган ёки унинг зинасига қадам қўяётган ўғил-қизларимиз учун сабоқ бўлади, деб умид қиламиз.

Фирибгар Назира Сатаговани нисбатан суд ўзининг тегишли жазосини тайинлади.

Гарчи мамлакатимизда валюта айирбошлаш жараёни ҳуқуқимиз томонидан тартибга солинган бўлса-да, енгил даромад орттидан қувалиган айрим кимсалар бозорлар атрофи ёки бошқа одам гавжум бўлаётган жойларга "ин" қуриб, қонунга хилоф равишда хорижий валюта оммисотаси билан шуғулланиб юрганга гувоҳ бўлмоқдамиз. Ачинарлиси, валютафурушликни ўзига касб қилаётганлар орасида аёллар ҳам учрамоқда.

Такрор содир этилган жиноят

Ўқтам ЭЛМУРАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим
бошлиғи

2011 йилда айнан шундай қилмиши учун жавобгарликка тортилиб, амнистия актига асосан багрикенглик тўғрисида жазодан озод этилган Муниса Долимова(исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзига тегишли хулоса чиқармаган кўрилади. Акс ҳолда яна эски "хунари"ни бошламаган бўларди.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Шайхонтоҳур туман бўлими ходимлари ҳамкорлигида 2014 йил 7 август кўни ўтказилган тadbирда М.Долимова жиноий шериги С.Рустамова(жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2014 йил 17 ноябрдаги ақримида кўра, ишнинг унга нисбатан бўлган қисми амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган) билан тил бириктириб, "Чилонзор буюм бозори" ОАЖнинг марказий кириш дарвозаси олдида 6 минг АҚШ доллари яқин хорижий валютани сотмоқчи бўлган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Текширув жараёнида уларнинг ёнидан 1000 Россия рубли, 5 000 Қозғистон тенгеси ва бозордаги дўконлардан бирида сақланаётган, жиноятчиларга тегишли сейфдан эса 100 евро, 44 900 Россия рубли, 55 100 Қозғистон тенгеси, 2 460 Қирғизистон соми ва 13 млн. сўмдан зиёдроқ пул маблағлари ашёвий далил сифатида олинди.

Суд қинғир ишнинг бошини тутган кимсаларга нисбатан ўзининг адолатли ҳукмини ўқиди.

Инсон борки, ҳар бир қадамни ўйлаб босиши, бирор ишга қўл уришдан аввал унинг оқибатини обдон мулоҳаза қилиб кўриши керак. Ахир одамзога ақл-идрок, тафаккур бежиз берилмаган-ку?! Ҳозир кўзлаб иш тутадиганлар кўплигига шубҳа йўқ.

Бундайлар ҳамшиша иззатда, топган-тутганида ҳам барака бўлади. Аммо ўз хатти-ҳаракатини тарозига солиб кўриш у ёқда турсин, бундан уялмайдиغانларни кўрсанг, таажубланасан, киши.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тadbирда ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган Қ.Абдухалилов, А.Қирғизов ва А.Азизовнинг фаолиятини ўрганганлар шундай хулосага келишди. Учовлон Марҳамат исмли аёл билан олдиндан тил бириктирган ҳолда, Наманган тумани, Ирвадон ҚФЙ, Орзу маҳалласидаги фаолияти тўхтатилган масжид биносида яширин тарзда спиртли ичимлик ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган экан. Бу манфур кимсалар муқаддас даргоҳни булғашдан ҳам тап тортишмабди.

Муқаддам Зафаробод туманидаги сув истеъмолчилари уюшмаси раиси бўлиб ишлаган Рустам Қосимов ҳозир бекорчи. Демак, нимадар қилиш керак?! Ахир, "рўзгор — гор" деб қўйишди.

Шундай экан, тирикчиликни ҳам ўйлаш керак-да! У шу ҳақда ўйлай-ўйлай, сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида жойлашган "Қирғий сояси" чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиги раиси Равшан Мелибоевга учрашди.

— Сиз фарғоналик деҳқонларга фермер ҳўжалигингиздан ер ажратибсизми?! — деди ўсмоқчилаб. — Улар поллиз экинлари экангизми, шу ростми?

— Йўқ, унақа эмас. Сизни алдабди, ким айтган бўлсаям.

— Аниқ исботим бор ё келишамизми?

— Рустам Равшаннинг паст келганини кўриб, яна баланддан келади.

— Керакли жойларга шундай "ўхшатиб" ёзаман-ки, кейин пушаймон бўласиз. Оғримаган бошингизни оғритиб ҳам қутулмайсиз. Ноқонуний ишлаётганингиз учун қаматиб юбораман.

— Шунчаки шартми? — деди раис боши қотиб. — Бирор йўли бордир? Унинг устига, ҳеч қанақа айбим бўлмас...

— Йўли бор, албатта. Фақат сиз

Қинғир ишнинг қийғи



Улар танишлари орқали "Оқ чой", "Московская", "Берёзових почках" номли ароқ ва "Мафтун" номли виноларнинг қалбаки акциз марказлари билан маҳсулот ишлаб чиқаришга киришишади.

Бозорни бедарвоза, деб ўйлаган ҳамтовоклар мўмай даромад умидида савдога зўр беришади. Бироқ улар савдо авж паллага чиққанда қўлга тушишди. "Форд" русумли юк автомашинасига 54 дона "Оқ чой", 905 дона "Московская", 210 дона "Берёзових почках" номли ароқ, 1080 дона "Мафтун" номли винони сотиш учун оқлашаётганда департамент ходимларига тўқнаш келишди.

Улар фаолият юритган бинони кўздан кечириш жараёнида 2 дона қадоқлаш ускунаси, 320 литр

спирт, 9902 дона акциз марка, 4022 дона "Берёзових почках", 3176 дона "Московская" номли ароқ, 5170 дона "Мафтун" номли вино ичимлиги, 7 турдаги 12378 дона қолпоқ, 21810 дона бўш шиша идиш ҳамда алкоғолли маҳсулотларни қадоқлаш учун зарур бўлган бошқа жиҳозлар ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинди.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ушбу тайёрланган алкоғол маҳсулотлари инсон соғлиғи учун хавфли бўлиб, истеъмол учун бутунлай яроқсиз экан. Ушбу маҳсулотларни истеъмол қилган қанчадан-қанча инсонлар зарарланиб, касалликка чалинишини, афсуски, нафсига банди бу кимсалар ўйлармиди?

Суд уларнинг қилмишлар-

Илғорбек АНАРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Наманган вилоят бошқармаси
катта инспектори

рига хотима ясади. Уларнинг ҳар бири жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда эътиборингизни қуйидаги маълумотларга қаратсак. Департаментнинг вилоят бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан 2014 йил давомида 44 та яширин ишлаб чиқариш цехлари аниқланиб, 168 млн. 810 минг сўмлик товар ва жиҳозлар олинди. Мазкур ҳолатлар бўйича 43 та жиноят иши кўзғатилди. Департамент ходимлари томонидан олиб борилган тушунтиришлар натижасида мазкур яширин цехларнинг 2 таси қонуний тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият юрита бошлади.

Ҳа, савдо-сотик, тadbиркорлик, ишбилармонлик мезони ҳалолликдир. Шу йўсинда иш юритаётганларнинг фаолияти ривож топиб бораверади. Ноқонуний фаолият эса юқоридаги каби бир кун панд бериши аниқ.

Товламачи «Қирғий сояси»га чанг солди

рози бўлармикисиз?

— Айтинг-чи, маъқул келса, кўраимиз.

— Майли, мен ҳеч жойга ёзмайман. Фақат сиз менга 2 млн. сўм пул берасиз. Аммо бу ҳаммаси эмас, — деди Рустам гапини салмоқлаб. — Фермер ҳўжалигингиздан икки гектар ер ажратиб, мен айтган экинни экиб берасиз.

Пўписа ва дағдағалардан кўрқиб қолган Равшан рози бўлганини билмай қолди. Рустам кетгач, унинг иддаоларини ўйлаб кўриб, жаҳли чиқди. Бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилди.

Уша қуни Рустам Қосимовнинг ўзи Равшанга телефон қилди. "Ҳозирча пулни беринг. Ер масаласини сал кейинроқ хал қиламиз", деди. Ўз навбатида Равшан ҳам "пул тайёрлиги"ни айтди. Бироздан кейин чойхонада учрашишга келишдилар. Чойхонада эса Рустам тушлик қилганини айтди, шу сабаб пулни тўлаб келишни тайинлаган эди, Равшан "емаган сомсага пул тўлаб келди".

— Ана энди, олиб келган пулингизни узатинг. Кам эмасми, ишқилиби?

Алишер УММАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Жиззах вилоят бошқармаси
матбуот гуруҳи катта инспектори

— Йўқ, сиз айтгандек.

— Яхши, кўчанинг нариги томонида турган "Тико"ни кўраясизми? Эшиги очик. Боринг, пулни орқа ўриндиғига қўйиб келинг.

Равшан пулни машинага қўйди. Ишнинг силлиқ кетаётганидан қувонган товламачи "Ана энди, кетсак ҳам бўлади", деб ўрнidan турди. Машинани энди юргизмоқчи эди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан тўхтатилиб, ашёвий далил билан қўлга олинди.

Суд жараёнида Рустам Қосимовнинг жинояти фош этилди. У ўч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди. Шунингдек, иш бўйича жиноят кўроли сифатида фойдаланилган "Тико" русумли автомашинаси давлат эғалигига ўтказилди.

Тадбиркорлар манфаатлари қонун ҳимоясида

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигидаги ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, айниқса, янги иш бошлаётган тадбиркорларга ҳар томонлама қулайлик яратишга қаратилган эътибор туфайли соҳада изчи ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқинлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларида бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидланганидек, Ўзбекистон қонунсиз рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида юқорига кўтарилиб, олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг энг кеска ва соддаштирилган тартиби жорий этилган. Бунга кўпи билан икки иш кунни кетади, холос. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 12 майда қабул қилган "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори хусусий бизнесни ривожлантириш борасида янги, янада кенг имкониятлар очди. Мазкур қарор билан тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш ва харажатларини камайтириш бўйича қатор янгиликлар жорий этилди. Хусусан, кичик корхоналарга солиқ, боғжона тўловлари бўйича энгилликлар берилди, айрим нотариал чимқилар бекор қилинди. Тақдим этиладиган ҳисоботлар сони ҳам кескин камайтирилди.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истигада бўлган шахслар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш юзасидан Интернет тармоғи орқали ҳам мурожа-

ат қилишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишга доир қонунчиликка қўший риоэ этилиши доимий эътиборда. Бу борада тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи инспекциялар фаолияти прокуратура органлари томонидан доимий равишда ўргини борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари доимо давлатимиз, жамиятимиз ва қонунлар ҳимоясида. Ушбу мақсадда яратилган шарт-шароит ва қонунчилик асослари халқро талабларга тўла мос келиши билан бирга, бу борада мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам тан олинаётган қувонарлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан солиқ қонунчилиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларига бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Жумладан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкаси 2014 йилдаги солиқ ставкасига нисбатан 0,5 фоизли пункт-

га пасайтирилди ва 8 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,5 фоиз қилиб белгиланди.

2015 йил 1 январдан бошлаб, микрофирма ва кичик корхоналар ҳисобланадиган курилиш ташкилотлари учун яғона солиқ тўлови ставкаси 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 2014 йилдаги 6 фоиз ўрнига 5 фоизга туширилди.

Микрофирма ва кичик корхоналарни ҳамда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг 1-банди биринчи хатбошига ўзгартириш киритилиб, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативи 20 фоздан 50 фозга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг 8-бандига киритилган ўзгартириш микрофирмалар ва кичик кор-

хоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод қилиниши бўйича имтиёз (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича товарларни экспорт қиладиган микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари) микрофирма ва кичик корхоналарга татбиқ этилишини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг 8-банди учинчи хатбошига ўзгартириш киритилиб, унда янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари (чакана савдо ташкилотларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб, 6 ой давомда, агар мазкур мuddатда улар ўз эҳтиёжлари учун объектлар қурган тақдирда, қуриб битказилган объектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санадан бошлаб, 6 ой ўтгунча, бироқ уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йилдан кўп бўлмаган даврда яғона солиқ тўлови ва яғона ижтимоий тўловларни ушбу тўловларнинг тасдиқланган энг кам миқдорларини ҳисобга олманган ҳолда тўлаши назарда тутилди.

Солиқ тўловчи томондан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар

Хуршид АЛИМАРДОНОВ,
Арнасой туман прокурори

ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик учун маъмурий жавобгарлик чоралари шаффофлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларига юқорида келтирилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-моддаси қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи қисмлар билан тўлдирилди:

"Солиқ тўловчи томонидан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомда такрор содир этиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади".

Маънавият ва маърифат соҳибаси

Оила мустаҳкамлиги, фарзандлар камоли ва тарбиясини аёл иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун жамият тараққиёти ва равнақи йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ҳам аёлларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидламай иложимиз йўқ. Негаки, биз аёлни, аввало, меҳрибон ва мунис она тимсолидагина яхши билганимиз учун уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тугган ўрнини кўришдан қувонамиз, албатта.



Баҳодир ШЕРАЛИЕВ,
Бош прокуратуранинг ОУК тингловчиси

Бугун аёллар барча соҳаларда фаолият юритиб, эркаклар билан баб-баравар, айтиш мумкинки, бошқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Худди мана шу жараён ўз навбатида хотин-қизлар ҳуқуқларининг таъминланишини тақозо этади, албатта. Шу боис, ҳуқуқимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросидан келиб чиқиб, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирокини

таъминлаш, хотин-қизларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш ва юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, Фармонда таъкидланганидек, хотин-қизлар саломатлигига эътибор берган ҳолда соғлом оилаларни шакллантириш, аёллар ва қизлар спортини ривожлантириш ва шулар асосида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга эришишга эътибор қаратилмоқда.

Хотин-қизлар ҳуқуқларининг таъминланиши изчил амалга оширилаётган бир пайтда айрим аёлларнинг билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолаётгани, умуман, аёллар томонидан жиноятларнинг содир этилаётгани ташвишлидир. Негаки, аёл нозик хилқат, нафис ҳис-туйғулар соҳибаси бўлиши билан бирга келажак тарбиячиси ҳамдир. Шу боис ҳам унинг тафаккури, савияси оилада, бо-

лалар тарбиясида ўта муҳим ўрин тутди. Худди мана шу ўрин аёлнинг жиноятга қўли уриши оила ва оиладаги маънавий муҳитнинг издан чиқишига, ўсиб келаётган авлод онги ва қалбида нохуш туйғулар илдиз отишига сабаб бўлиши мумкинлиги сир эмас.

Президентимизнинг юқоридаги Фармонида: "...айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш, жойларда (оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида) миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, бузғунчи қўлларнинг хотин-қизлар онига таъсир ўтказиши,

уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш йўлидаги уришларига қарши қаратилган ишларни самарали ташкил қилиш" алоҳида белгилаб қўйилган бўлиб, булар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобланиши таъкидланган.

Жиноятчиликка, хусусан, аёлларнинг жиноят кўчасига кириб қолишига туртки бўлиши мумкин бўлган сабабларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, аввало, жиноятчининг (у хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак) қандай оилада тарбия топганилигига эътибор қаратиш лозим. Агар фарзанд носоғлом турмуш тарзи билан кўн кечираётган, яъни таназзулга ўс тугган оилада ўсган бўлса, афсуски, унинг жиноят кўчасига киришида оила муҳитининг таъсири кучли бўлади. Бундай оилалар эса қўриб турганимиздек, жамият учун хавфли бўлиб, унинг маънавий томирларини емвриди. Шунинг учун ҳам жиноятчиликка барҳам беришда энг муҳим омил — оилада юксак ҳуқуқий маданият, маънавий онг, миллий қадрият ва диний маърифатнинг қарор топтирилиши муҳим саналади. Бунинг учун оилада ота-она, айниқса, аёл соғлом фикрли, бугунги кун талабидан келиб чиқиб ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий маърифат соҳибаси бўлиши лозим.

/Давоми 9-бетда/

Қисматнинг қалтис кўчаларида

Урганчлик Гулбаҳор Машарипова ичкиликка муқассидан кетганлар тоифасига киради. Ёши элликлан ошган, тўрт ўғилнинг онаси бўлган бу аёл турмуш ташвишларини спиртли ичимликлар кўмағида енгмоқчи бўлди. Турмуш ўртоғи билан ажрашган эса, хулқ-атвори буткул ўзгарди. 2003 йилда жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди томонидан ЖКнинг 173-моддаси билан судланишга ҳам улгурди.

Гулбаҳорнинг ҳар куни ичиб келиши оила аъзоларини бездириб юборди. Бўлмагур сўзлар билан ҳақоратлагани етмагандек, болаларини бесабаб калтакларди. Холатни кўрган катта ўғли Ойбек бувиси Диля момони ўзи билан олиб кетди. Иккинчи ўғли Равшан ҳам хотини ва қизи билан ижарага уй олиб, алоҳида ашай бошлади. Уйда қолган эгизак фарзандлар эса онадан безор бўлишганидан эрталабдан кечгача ишда бўлишарди.

Онаси ачинган Хусан акаси Ойбек билан маслаҳатлашиб, волидасини наркологи диспансерига ётқизди. Даволаш муолажалари наф қила бошлаганини кўрган фарзандлар уни уйга олиб келишди. Бироқ, орадан икки-уч кун ўтмай она яна эски одатини бошлади. Маҳалла профилактика инспектори Гулбаҳорни мажбурий даволатишни тақлиф қилган эди, фарзандлари кўнишмади. «Яна бир бор ихтиёрий даволатиб кўрайлик, нафи тегиб қолар», дея яна наркологи диспансерига ётқизди.

Бу орада Диля момонинг саломатлиги ёмонлашди. Оёғини синдириб олган кампир юрөл-

май қолди. Унинг «Умримнинг охириги кунларини қизим билан ўтказсам», деган илтимоси билан Ойбек онасини диспансердан бувисиникига олиб борди.

Гулбаҳор онасининг дийдорига тўйиб қолиш, унинг дуосини олиш ўрнига ўзи билан андармон бўлиб, яна ичкиликка берилди. Бундай пайтда Диля момони алам ўртар. «Яна ичиб келдингми», дея қизини койир, уришиб берарди. Бу эса Гулбаҳорга ёқмасди. Бир сафар уйда улфатлари билан ичиб ўтирган Гулбаҳор онасининг «Оёғининг оғриғига чидаёлма-япман», деган ноласи малол келди. Онаси кичиравергач, Гулбаҳор минғирлаганича этил спирти олиб чиқиб, оёғига суртди.

Сўнгра хонасига ўтиб, телевизорнинг овозини баландлатди. Дард чекиб ётган момога телевизорнинг шовқини ёқмади. Қизига дашном берган бўлди. Ичиб олган Гулбаҳор онасининг гап-сўзларига аҳамият бермади. Телевизорда кино кўриб, сўнг кўчага чиқиб кетди.

Шу кетганича, ярим кечаси қайтиб келди. Бу пайтда ишдан чарчаб келган ўғли Ҳасан эшикни кулфлаб, ухлаб қолганди. Гулбаҳор эшикни беш-ун



дақиқа тақиллатди. Очилмагач, гишт олиб, подвезднинг деразасини уриб синдирди. Кейин ўғли Равшанга кўнғирок қилиб, уйига киролмаётганини айтди.

— Яна ичдингизми? — хафа бўлган Равшан кўп гаплашмай, гўшакни қўйиб қўйди.

Шовқиндан уйғониб кетиб, эшикни очиб баробарида, онасидан бир дунё ҳақорат эшитган Ҳасан эса «Э, боринг-е», дея хонасига кириб кетди.

Жанжалга Диля момо аралашди.

— Яшамагур, мен ўлмадим, қутулмадим. Сени туққунча, ит туққаним яхшийдим.

— Ўлгинг келаяптими? — ҳезланди Гулбаҳор.

— Ўлсам қанийди?! — дея кўзидан ёш думалади момонинг.

Бу пайтда Гулбаҳор ғазаб отига минган, одамийлик қиёфасини йўқотган эди. Ошхона-

га ўтиб, қўлида пичоқ билан қайтиб келди. Кампирнинг устига миниб, унга пичоқ санча бошлади...

Бехос уйғонган Ҳасан дахшатли манзарага дуч келди. Бувисини пичоқлаётган онасини кўриб, ўзини йўқотиб қўйди. Шиппагини чала кийганича, кўчага отилди.

Бу вақтда Гулбаҳор онасининг қон бўлган кийимларини ечиб, унга бошқа либос қийдирарди. Эскисини ахлатхонага ташлаб келди.

Кейин катта ўғли Ойбекка кўнғирок қилиб, бувиси вафот этганини айтди. Ўз навбатида Ойбек бу хабарни Равшанга етказди. Равшаннинг онасига кўнғирок қилиб, тилига келгани «Бувимни ўлдирдингми?» деган савол бўлди. У бу гапни шунчаки, «сен ўз бемаъни хулқинг, ёмон муомаланг билан бувимни ўлдирдинг» маъноси-

Рўзимбой МАТЯКУБОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

да айтганди. Телефонни қўйиши билан эшик тақиллаб, юзлари оқариб кетган Ҳасан кириб келди. «Онам бувимни пичоқлаб, ўлдирди», деган хабар уни ларзага солди. «Нега пичоқни қўлидан олмадинг?», дея укасига бақира кетди. «Онамнинг кўзлари кўрқинчли эди, кўрқанимдан қочиб келдим», деди Ҳасан ўзини оқлаб.

Гулбаҳор ўз қилмишини «Онам мени болалигимда кўп бора урган», деган баҳона билан оқламоқчи бўлди. Бироқ, бу баҳона кучсиз, ожиза кампирни ўлдиришга сабаб бўлолмасди.

Қотил аёл ўз жазосини олди. Бироқ, унинг бу қилмиши қанчадан-қанча қалбларни ларзага солди. Айниқса, тўрт ўғилнинг юрагига битмас из қолдирди.

Кўпчилигимиз ичкиликбозликнинг мудҳиш оқибатлари ҳақида кўп эшитганмиз. Гулбаҳорнинг фожиаси уларнинг энг дахшатлиларидан бири десак, янглишмаган бўлаемиз. Унинг қисмати ҳеч кимнинг тақдирда тақорланмаслиги учун фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, уларга шахсий намуна кўрсатиш лозим бўлади. Бугун вояга етмаган фарзанди ёнида спиртли ичимлик истеъмол қилганича, хурмача қилиқлар қилаётган ота-оналар бу ҳақда яна бир бор ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз.

Азиза Қориева (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг биринчи турмуши бўлмади. Икки нафар фарзанди билан ажрашиб кетди. Турмушнинг юқини кўтариш ўзига оғирлик қилиб, яна турмушга чиқди.

Ассосиз рашк

Аввалига турмуш ўртоғи Учқун Фозилов билан бинойидек ҳаёт кечиришди. Эри Азизанинг иккала фарзандини ҳам яхши қабул қилди. Уларни ўз фарзандидек тарбиялай бошлади. Бу орада қизи Хуснида туғилди. Эри яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланиб, пайвандчилик қилар. Азиза эса автомобильга метан газ қуйиш шохобчасида фаррош бўлиб ишлаб, рўзгор тебратишарди.

Азизанинг ўғли Даврон ишлаш учун Россия Федерациясига кетиб, уларга пул юбориб турди. Учқунга пайвандчилик қилиб топаётган пуллари Давроннинг хорижда ишлаб топаётган пулларининг олдида арзимас қақдек кўрина бошлади. Бора-бора у ҳам чет элда ишлаш васасасига тушиб қолди. Хориж феъл-атворининг бунчалик ўзгариб кетишига сабаб бўлишини билганида, балки у ёқларга бормасдан оиласини сақлаб қолармиди... Нима бўлганда ҳам энди кеч...

Россияда ишлаб қайтган Учқунга аёлининг феъли ўзгариб қолгандек туюлди. Унинг хаёлига шубҳа оралади. Аёлининг кетидан бир неча бор пойлаб ҳам кўрди. Лекин натижа бўлмади. Гарчи шубҳалари ассосиз бўлиб чиқаверса-да, хотини билан кунда-кунаро жанжал қилаверди. Тинимсиз рашк ва жанжал-тўполонлардан безиб кетган аёл биринчи қаватга тушиб, фарзандла-

рининг ёнида ётадиган бўлди. Хотинининг бу қилиги унинг баттар гашига теғди.

Навбатдаги жанжалларнинг бирида хотини буларнинг барчасига нуқта қўйиш учунми ёки кундалик тўполонлар бутунлай жонига тегиб кетганиданми, эрининг нафсониятига тегадиган гап айтди. Буни андишасизлик деб қабул қилган эр баттар тутакчи, жашл отига минди. Қўлига ошхона пичоғини тутиб, шайтон измига бўйсунди.

У хотинининг кўкрак ва қорин қисмига пичоқ урди. Онасининг додлаган овозини эшитиб, биринчи қаватдан юқорига югуриб чиқиб, уларни ажратишга уринган ўгай қизи Гулмирага ҳам пичоқ билан жароҳат етказди. Жон ҳолатда кўчага югуриб чиққан Гулмира қўшнилари ёрдамга чакирди. Бу пайтда Учқун Фозилов аёлига яна бир неча бор пичоқ санчишга улгурди. Кўп қон йўқотган Азиза Қориева тез ёрдам келгунича ҳаётдан кўз юмди.

Қилгилликни қилиб бўлгач, хушига келган У.Фозилов виждон азобида ҳаммомга кириб, томирини кесди, электр симини ушлади. Бироқ ассосиз рашк туфайли аёлининг қотилига айланган бу кимсани ўлим четлаб ўтди.

Хорижга бориб, онгу шуурини қабоҳат эгалаган Учқун Фозиловга суд 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.



Ҳикматилло ҲАМРОЕВ,


Новоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Акциз марка операцияси

Дилшод БАХРАМОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси

Мамлакатимизда аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш долний эътиборда. Эро, қонунчилигимизга мувофиқ, истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлган товарлардан баҳраманда бўлиши керак. Шунингдек, давлат ҳам истеъмолчиларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.



Айрим кимсалар эса фуқаролар соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган акциз маркаларни ҳам сохталаштириш йўлини топишибди.

Фуқаро Асрорхўжа Бурхонхўжаев эл-юрт манфаатларидан ўзиникини устун қўйган ҳолда, алкоғолли ичимликлар учун мўлжалланган акциз маркаларини сохталаштириб, ноконуний бойлик орттиришни мақсад қилади. Бу кимса терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган бир неча нафар Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳри фуқаролари билан жиноий тил бириктириб, ўша ерда қонунга хилоф равишда акциз маркаларни ишлаб чиқаради. Икки юз минг дона қалбаки акциз маркаларини республикамиз ҳудудига олиб кирган А.Бурхонхўжаев маркаларни пуллаш учун харидор ҳам топади. Бироқ унинг нияти амалга ошмай қолди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бу кимсанинг қилмишига ўз вақтида чек қўйилди. А.Бурхонхўжаев 200 минг дона қалбаки акциз маркаларини 42 млн. сўмга сотаётган вақтда ашёвий далил билан қўлга олинди.

Ишни атрофлича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди А.Бурхонхўжаевнинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди. Унга кўра, бу шахс энди олти йил умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Халқимизда «Билмайин босдим тиконни, тортадурман жазосини», деган нақл бежиз айтилмаган. Агар А.Бурхонхўжаев ҳалол инсонлар қатори тўғри йўлдан юрганида эди, суднинг қора курсисидега ўтирмаган, яқинларининг юзини эса шувут қилмаган бўларди.

Дастлабки тергов жараёнининг муҳим жиҳатлари

Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қўлланиладиган тергов ва процессуал ҳаракатларининг натижалари ва уларни процессуал қайд этиш усулларининг самаралорлиги жиноят-процессуал нормаларининг аниқ бажарилишига, шунингдек, жиноят-процессуал қонуннинг тўғри қўлланилишига боғлиқ. Терговчи далиллари тўлашга билишининг турли усуллари, яъни кузатиш, ўлчаш, моделлаштириш ва бошқа усуллари қўллайди ва ҳақиқатни аниқлайди. Бу эса ишга доир фактик маълумотларни аниқлаш ва процессуал жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат.

Далиллари қайд этиш бу — тергов ҳаракатининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида ифодаланмади. Бу фикр илк бор А.И.Винбергнинг асарларида қайд этилган. Унинг ёзишича, далиллари қайд этиш бу — далиллари йиғиш, уларнинг қандай кўринишда бўлишини қайд этишдан иборат. Далиллари йиғиш бу — уларни аниқлаш, қайд этиш, олиб қўйиш ва сақлашдан иборат. Бу нақадар тўғри фикр. Чунки далиллари тўлиқ аниқлашмаслик, уларни қайд қилиб бормаслик, сақлашмаслик тергов ҳаракатлари ва унинг натижалари салбий бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра, суриштирувчи, терговчи ва прокурор ўтказилган тергов ҳаракати тўғрисида мазкур кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда баённома тузади. Баённомага тергов ҳаракати иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани, тергов ҳаракатининг ўтказилиши жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари, тергов ҳаракатлари иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар, уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари, тушунтиришлари, мулоҳазалари,

улар томонидан берилган илтимосномалар, иш жараёнидаги тартиббузарлик ҳолатлари, шунингдек, бу тартиббузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун қўрилган чора-тадбирлар киритилади.

Баённомада тергов ҳаракатларининг зарурий иштирокчилари шахсини таърифлайдиган маълумотлар, тергов ҳаракатларини ўтказиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, топилган объектларнинг тавсифи қайд этилиши зарур. Агар бу талабга риоя қилинмаса, баённомада қайд этилган маълумотлар тўлиқ ҳисобланмай, топилган ашёвий далил ёки бошқа ҳужжатларни иш бўйича далил сифатида ишлатишга имконият бўлмайди. Бундан ташқари, баённомада тергов ҳаракатини ўтказишда бу жараён иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари, топилган объектлар ва ашёвий далиллари тўлиқ рўйхати ва қардан топилганлиги кўрсатилиши лозим.

Ҳар бир баённомада ўтказилган тергов ҳаракатининг хусусиятлари акс этиши керак. Агар тергов ҳаракатини ўтказиш даврида ёки ўтказилгандан сўнг тегишли баённома тузилмаса, бундай ҳаракатлар қонуний деб тан олинмайди.

Суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан далиллари қайд этишининг қандай усуллари қўлланилгани, фойдаланилган аппаратлар, асбоб-ускуналар, материалларнинг техникaviй тавсифи келтирилиб,

тегишлича тергов ҳаракати баённомасида акс эттирилиши зарур.

Тергов ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган видео ва аудио ёзувлар (тасмалари), фотосуратлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади. Ҳар қайси иловада тергов ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирувчи ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ёки терговчи ва ҳолислар ўз имзолари билан тасдиқлайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 92-моддасига асосан, тергов ҳаракати иштирокчиларининг бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, шунингдек, баённомага қўшимча ва тўзатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминлиши керак.

Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши билангина бу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон беради ёхуд илтимосларга кўра уларга ўқиб эшиттиради.

Тергов ҳаракати баённомаси билан танишган шахслар баённоманин ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар. Баённомага имзо чекишдан бош тортиш тергов ҳаракатида иштирок этувчи шахс томонидан эълон қилинади ёки терговчининг талабига биноан баённомага имзо чекиш тавсиясидан норозилик билдириш ёхуд терговчининг илтимосига кўра рад қилиш билан вужудга келади. Баённомага имзо чекишдан бош тортиш шахсининг тергов

ҳаракатига салбий муносабатини билдиради. Демак, суриштирувчи, терговчи ва прокурор унинг сабабини баённомада кўрсатиши лозим. Агар тегишли шахс имзо қўймастик сабабини тўлиқ тушунтириб беришдан бош тортса ҳам жиноят иши материаллари бўйича тўпланган асос ва далиллари ҳуқуқий кучи йўқолмайди. Агар шахс ўз ҳаракатларини тушунтирса, у ҳолда суриштирувчи, терговчи ва прокурор шахсининг келтирган ваъдаларини текшириши лозим. Шахс берган тушунтиришлар воқеликка тўғри бўлиб, тегишли ишот-далиллари билан тасдиқланган ҳолдагина жиноят иши бўйича тўпланган ишот-далиллари асосли бўлади. Шу ҳолатда тегишли шахс ўзи берган тушунтиришларига ўз имзосини қўйиши шарт, акс ҳолда унинг тушунтиришлари ҳуқуқий кучга эга бўлмайди.

Тергов ҳаракатида иштирок этган шахсининг бирон-бир касаллиги, жисмоний нуқсонга эгалиги сабабли имзо қўйишга имкони бўлмаса, шу шахсининг ҳимоячиси, вакили ва бошқа фуқаро унга баённомада акс этган ахборотни ўқиб беради ва шу вақил, ҳимоячиси ёки фуқаро ёрдамида баённомада акс этган ахборотларининг тўғрилигини тасдиқлаш учун уларнинг имзоларидан фойдаланиш мумкин. Бу ҳақда суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан баённомага тегишли ёзув киритилиши керак. Агар суриштирувчи, терговчи ва прокурор тегишли шахсининг имзо қўйишга имкони бўлмаганлиги тўғрисида тегишли мутахассис — тиббиёт ходими иштирокчида баённомада ушбу фактни қайд этса, бундай ҳаракат қонунга ва мақ-

Алишер ТУРУМОВ,
Бosh прокураторнинг
ОЎК тинловчиси

садга мувофиқ равишда амалга оширилган ҳаракат деб тан олинishi лозим.

Шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суриштирувчи ва дастлабки тергов жараёнида таъминлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи ва прокурор шахсларнинг қимлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлардан бевосита фойдаланиши керак. Акс ҳолда шахсларнинг қимлиги, аниқ қарерда истиқомат қилиши тўғрисидаги ва ишга тааллуқли бўлган бошқа маълумотларнинг йўқ бўлиши салбий ҳолатларга олиб келади.

Баённома муайян тергов ҳаракати ўтказилгандан сўнг айнан шу тергов ҳаракати ўтказиш жойида тузилиши керак.

Агар муайян тергов ҳаракати баённомасига тергов ҳаракати ўтказилган шахс ўз имзосини қўйишдан бош тортса, у ҳолда ҳолислар ва терговчи ушбу фактни баённомада қайд этиши ва тасдиқлайди. Баённоманин яқунловчи қисмида, шунингдек, баённомага қандай схемалар, қолиплар илова қилинганлиги, тергов ҳаракати қатнашчиларидан қандай ариза, шикоят ва эътирозлар тушганлиги, ҳолисларнинг тақлифлари, мутахассисларнинг берган тушунтиришлари қайд этилиши керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу қондаларга амал қилиниши жиноят ишини мазмунан тўғри ва ҳаққоний ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Чунки бунда, биринчидан, далиллари мақбул бўлиши таъминланади, иккинчидан, олинган маълумотлар аниқ, тушунарли ифодаланмади.

Маънавийят ва маърифат соҳиббаси

[Давоми. Бошлангич 7-бетда]

Олимлар оила таназзулини беш оимлга боғлиқ деб ҳисоблайдилар: 1) эр-хотиннинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан бирибирига мос келмаслиги; 2) фарзандсизлик (айниқса, ўзбек оилаларида бу ҳолат фожиа тарзида қабул қилинган); 3) иккинчи ҳолатнинг тескариси бўлиб, уч-тўрт хотиндан тузилган фарзандлар орасидаги мерос талашуви натижасида; 4) маъқуравий оимл бўлиб, бу қизил империя ҳукмронлиги даврида миллий оилавий муносабатларга бепасанд қарашда намоён бўлади; 5) эрка ўстан айрим ёшлар орасида турмуш машаққатларига чидамсизлик, турмушнинг енгли тушуниш, ўткинчи ҳою-хаваслар билан яшашга мойиллик.

Маълумки, боланин ҳис-туйғуси, ҳуқуқ, одатлари дастлаб оилада шаклланади. Носоглом муҳит шаклланган оилаларда вояга етаётган фарзандлар кўнглилари ўқиб, қолаверса, қаҳри қаттиқ бўлиб, бундай болаларни ҳар қандай куч осонгина ўзи асирга айлантириши мумкин. Шунинг учун ҳам аввало соғлом турмуш тарзига эга бўлган соғлом оилаларни шакллантиришнинг аҳамияти катта. Бунинг учун оила устунлари бўлиши отаниннинг ўзи ижобий хислатлар эгаси бўлиши ўта муҳим. Айниқса, оилада оналарнинг роли беқийс. Боланин қизиқиши, қобилиятини вақтида англаб, тўғри йўналтириш ҳам асосан онага боғлиқ. Агар она оиладаги барқарорлиқни мей-

ёрида сақлаб туролса, тарбия жараёнида яхши натижаларга эришиш мумкин.

Халқимизнинг асрий удумларини асровчи, миллий қадриятлар бешигини тебратувчи, миллий маданиятимизнинг нозик ва қадрли жиҳатларини авлоддан авлодга мерос сифатида етказувчи зот — аёлларимиз бўлиб, улар биз учун гоят қадрлидир. Аммо аёллар — оналаримиз, қизларимиз қадри нафақат эркаклар ва жамият наздида, аввало уларнинг ўзлари томонидан ҳам ўрнига қўйилиши, асралиши керак.

Бельгиялик социолог ва криминолог А.Кетленинг фикрича, жиноятга мойиллик эркакларда аёлларга нисбатан кучлироқ намоён бўлади, чунки аёллар кўп жиҳатдан ҳис-туйғулар таъсири остида бўлади, уларга шарм-ҳаё ва камтарлик ҳосдир, шунингдек, ўзининг ижтимоий қарамлиги ва ёлғизлиги туйғайли аёллар жиноят содир этиш учун камроқ имкониятга эга бўладилар. Гарчи, шундай бўлса-да, жиноятчилик, жумладан, аёллар жиноятчилиги ҳам жамиятга рўй бераётган ижтимоий шарт-шароитларга мос равишда ўсиб, ўзгариб бориши кузатилади. Зеро, жиноятчилик ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий ўзгаришлар унинг динамикаси, ҳолати, тузилиши, сифат ва миқдорий тавсифларининг ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатади.

Аҳоли ва хусусан, жиноятчиликка мойил аёллар ўртасида тарбиявий ишлар

жиддий равишда яхшиланмаса, жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари кўзланган натижага олиб келмайди. Маълумки, ҳаётда содир бўладиган турмуш қийинчиликлари аёлларга кучли таъсир қилади. Чунки ўзининг ҳаётдаги ўрни туйғайли муаммолар билан энг биринчи навбатда аёллар тўқнашади ва улар бу муаммоларни кучли эмоционал ҳолда қабул қилади.

Аёллар жиноятчилигининг олдини олиш ва шу йўл билан оила фаровонлигини таъминлаш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

— маҳаллаларда ташкил этилган яраштурув комиссиялари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, уларнинг ҳудуддаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишидаги таъсирини кучайтириш;

— маҳалла раислари, уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан тегишли ҳудудда истиқомат қилаётган оилалар, айниқса, нотинч сифатида рўйхатта олинган, оилавий келишмовчиликлари бўлган, ичкиликбозликка, гийъандликка чалинган оилалардан доимий равишда хабардор бўлиб туриш, уларнинг турмуш тарзи, муаммоларини ўрганиб бориш ва амалий ёрдам кўрсатиш;

— маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида хотин-қизлар ўртасида тушунтириш ишлар

рини олиб бориш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш.

Аёлнинг оила муҳитига ижобий ижтимоий таъсири ўз-ўзидан оилавий маданиятни яхшилаш ва уни юксалтиришга хизмат қилади. Эр, хотин ва фарзандлар ўртасидаги муҳитнинг уйғунлиги оилада мустаҳкам муносабатини вужудга келтиради. Шунинг учун, яна бир бор таъкидлаш ўринлики, бу борада аввало, соғлом оила муҳитини шакллантириш, унда жамиятимизга, ватанимизга муносиб фарзандлар етиштириш, айниқса, келажак бешигини тебратувчи бўлажак оналаримиз — қизларимизга муносиб тарбия бериш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳадислардан бирида "Фарзандларингизга бир хил муомалани бўлиблар, агар улардан бироталини устун қўйиш керак бўлса, қизларингизга кўпроқ аҳамиятли бўлин", дея таъкидланган.

Аёлга енгли-елпи ҳаёт кечириш илн-жидда ўзини ҳар қўйга солиш эмас, ҳаё ярашади. Унга панжара ортида кераксиз бўюмдек беҳуда ҳаёт кечириш эмас, бешик бошида алла айтиш ярашади.

Оиланин мустаҳкамлигини таъминлашда аёлнинг ўрни ва роли катта эканлигини инобатга олсак, давлат ва жамият ривожини учун асосий куч сифатида хотин-қизлар имкониятларини ҳисобга олиш ва уларга керакли шарт-шароитларни яратиб бериш олдимизда турган асосий вазифамиздир.

Бу юртда ҳар бир ислохот инсон учун хизмат қилади



AGROBANK

Бугун мамлакатимиздаги ҳар бир янгилини, яшариш, ободончилик, барча соҳалардаги тараққиёт омили юртимизнинг иқтисодий жиҳатдан юқалиб бориш омили билан чамбарчас тарзда илдамламоқда. Шаҳар-у қишлоқларимизда қад ростиётган ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган осмонлар бинолар, ташкил этилаётган боғ-роғлар, энг асосийси, аҳоли турмуш тарзининг йил сайин юқалиб, яхшиланиб бораётгани ҳам ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларнинг тобора ривожланиётгани билан бевосита боғлиқ бўлиб қолаётгани бугун ҳеч биримизга сир эмас.



Бу жараёнларда молиявий муассасалар, хусусан, тижорат банкларининг ўрни айниқса, аҳамиятли бўлмоқда.

Жумладан, ўз олдига мамлакатда аграр тизимини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш каби қатор мақсад ва вазифаларни қўйган "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳам юртимиздаги бундай эзгу ва тарихий жараёнларда ўзининг қўллаб-қувватлаши билан фаол иштирок этиб келмоқда.

Хусусан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш "Агробанк"нинг устувор вазифасига айланиб бормоқда. Молия тизимидаги ислохотлар натижасида ушбу банк корпоратив корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ҳамда фермер хўжалиқларининг ишончли ҳамкорига айланди. Натижада мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажми ҳамда аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг ўсишида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида ўз харидорига эга бўлишида, ижтимоий объектлар ва турар жой бинолари барпо этишдек кенг қўламли бунёдкорлик ишларида қўлга киритилаётган улкан ютуқларда айнан банкнинг молиявий қўмағи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни кунда "Агробанк" ўз инфра-тузилмаси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини тўла қамраб олди. Хусусан, миқозларга ўзининг 183 та филиали, 271 та минибанки, 187 та халқаро пул ўтказмалари, 47 валюта айирбошлаш ва 40 та конверсион шохобчалари орқали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ банкнинг фаолияти жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг агентлиги хисобланган "Мудис" ҳамда "Фитч Рейтингс" компаниялари томонидан "барқорор" деб баҳоланди. Шунингдек, "Анбор-Рейтинг" миллий рейтинг агентлиги томонидан фаолият натижаларининг миллий кўрсаткичлари бўйи-

ча ушбу банкка энг юқори "uzA+" "Барқорор" прогнози берилган.

Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида банк томонидан амалга оширилган ишлар, мақсадли йўналтирилган кредит маблағлари миқдорининг ўзи ҳам "Агробанк"ка берилган бундай юқори баҳо бежиз эмаслигини далолат бериб турибди.

Хусусан, биринчи чорак давомида банк томонидан аграр комплексни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, фермер хўжалиқларини молиялаштиришга қатъий эътибор қаратилди. Жумладан, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш мақсадида 70,7 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Пировардида 37 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун кичик бизнес субъектларига 200,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Энг муҳими, бугун ўз ишини йўлга қўйиб, бизнесини ривожлантираётган тадбиркор миқозлар "Агробанк"дан миннатдорлик ҳиссини туймоқдалар.

Иқтисодиётнинг етакчи кучига айландик

— Биз каби тадбиркорлар бугунги кунда жамиятимизнинг фаол аъзосига айланиб бормоқда. Ишбилармонларимиз давлатимиз томонидан яратиб берилаётган эътибор ва қўмақдан мамнун бўлиб, зарур шарт-шароитлардан унумли фойдаланмоқдалар. Ана шундай қўлай ишбилармонлик муҳити туфайли уларнинг сафи кенгайиб, оила-си даромадини кўпайтириш билан бирга, аҳоли фаровонлиги ва юрт ободлигига ҳам ҳисса қўшмоқдалар, — дейди Жиззах вилояти Фориш туманидаги "Shahzod biznes yulduzi" хусусий корхонаси раҳбари Дилшод Исломов. — Мен ҳам соҳага берилаётган эътибордан самарали фойдаланиш учун тадбиркор бўлишни ўз олдimgа мақсад қилдим. Шу истақ туфайли турли бизнес лойиҳалар устида иш олиб

бордим. Ана шу лойиҳалар устида ишлаш жараёнида билдимки, мукамал ва пукта режа тадбиркорга ҳар томонлама қўлайлик ва энг асосийси даромад олиб келади. Ўзим ишлаб чиққан бизнес режамни ҳаётга татдиқ этиш мақсадида "Агробанк"нинг Фориш филиалига топширдим. Банк мутахассислари томонидан тикувчиликни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳам атрофлича ўрганилиб, янги цех фаолиятини йўлга қўйиб олиш учун етарли бўлган кредит маблағи ажратилди. Муҳими, мен ташкил этган цехда 12 нафар маҳаллий аҳоли ўз иш ўрнига эга бўлди.


Элда нондек азиз қилди

— Бугун иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ёшларни кенгроқ жалб этиш, уларга ҳар тарафлама қўмақ беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи битирувчиси Саъдулла Муқумбо-

гун мен каби ёш ишбилармонларга қаратилаётган юксак эътибордан илҳомланиб, ўз бизнесини йўлга қўяётган тенгдошларимга ҳавас қилаётганлар ҳам кўп. Уларга ҳам ўз режангиз, орзуларингиз учун чекинмасдан ҳаракат қилинг, деган бўлардим. Чунки, мен танлаган йўл, ўзим тайёрлаётган нон каби мени элда азиз қилди.

"Мадад шифо сервис" — ислохотлар меваси

— Бугун тадбиркор бўламан деган кишига давлатнинг ўзи ҳар тарафлама қўмақ бераёпти, — дейди хусусий фирма бошлиғи Моҳира Пулатова. — Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Мен тиббиёт ходими бўлсам-да, тадбиркорликка қизиқман. Сабаби соҳага берилаётган эътибор ва қўмақ ана шу йўлда руҳлантирди. Аслида инсон соғлиги жиддий масала. Шу туфайли ҳам ҳар бир касбдошим ўз ишига сидқидилдан, масъулият билан ёндашади. Айниқса, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишлар, кенг қўламадаги устувор ислохотлар тиббиётнинг янада такомиллаштиришга туртки бўлмоқда. Юртимизда барча соҳада эришилаётган самарали натижалар ҳар бир ватандошимизни янги марраларга чорламоқда. Мен ҳам тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида "Агробанк"нинг Жиззах ҳудудий филиалидан кредит олиб, "Мадад-шифо сервис" хусусий фирмасини ташкил этдим. Асосийси, бу ерда яна



ев. — Айниқса, қишлоқ ҳудудида истиқомат қилаётган ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда ёшлар иштирокида ўқув семинарлари мунтазам ўтказилмоқда. Мен уларда имкон қадар фаол қатнашиб, ўз билим ва кўникмаларимни мустаҳкамлаб боришга интиланман. Ана шундай тарғибот ва ташвиқот ишлари сабаб мен таниган юзлаб ўғил-қизлар, тенгдошларим тадбиркорлик йўлини танладилар. Ўз бизнес лойиҳаларини амалиётга жорий этиб, тадбиркорлар қаторидан ўрин олдилар.

Мен ҳам нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган цехни ишга тушириш мақсадида "Агробанк"нинг Жиззах филиалига кредит сўраб мувожабат қилдим. Банк мазкур лойиҳанинг аҳамияти ва давомийлигини эътиборга олиб, уни молиялаштирди. Бундан мамнун бўлдим, албатта. Бу-

10 нафар киши учун янги иш ўрни ташкил этилди. "Агробанк" мен учун ишончли молия муассасасига айланди. Сабаби, ҳар қандай ҳолатда тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, унинг молиявий муаммоларини ижобий ҳал этиш банк мутасаддиларининг асосий мақсадиридир. Мен ўзим бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман.

Бугун қай бир тадбиркор ёхуд фермер билан суҳбатлашманг, уларнинг қалбида шукроналик, истиқлол сабаб етишган неъматлардан баҳрамандлик ҳиссини туйётганликларини англайсиз. Ўз меҳнатларидан миннатдорлик, уларда мамлакатнинг эртанги кунига бўлган ишонч ва собитқадамликларини янада зиёда этмоқда.

Аслида ҳар бир соҳа қатори банкларнинг олида турган асосий мақсад-мудда ҳам шу — одамларда эртанги кунга ишонч уйғотиб, уларнинг эзгу мақсадларига қанот бўлишдир. □

Хайрулло ХОЛТЎРАЕВ

Хизматлар лицензияланган



Тадбиркорлик ривожу – бош мезон



Иқтисодиётимиздаги бугунги юксак натижаларга эришишда юртимиздаги банк-молия муассасалари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Хусусан, етакчи банклардан бири ҳисобланган "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки бунда ўзига хос мавқега эга. Аввало, иқтисодиёт тармоқларига ажратилаётган кредитлар салмоғи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси, мижозлари сафи кундан-кунга ортиб бораётгани ана шундан далолат беради.

"Асака" банкнинг ижобий ютуқларини кўпайтиришга ҳисса қўшаётган, жойларда мижозларга турли молиявий хизматлар кўрсатиб ишончли ва самарали молия муассасаси сифатида обрў қозонган бўлимлари, филиаллари қаторида унинг Қорақалпоғистон филиали ҳам бор.

Бугунги кунда "Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиали жамоаси 50 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахсларга намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, банкнинг кредит ва инвестицион фаолияти унинг салоҳиятини, хизмат кўрсатиш даражасини белгилайди. Зеро, каттаю кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришда ва кенгайтиришда банкларнинг молиявий мададига таянади. Шу нуқтаи назардан, банк жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш орқали

маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Жорий йилда банк жамоаси томонидан кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар миқдорини ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга ошириш мақсад қилиб қўйилган. Яъни барча молиялаш манбалари ҳисобидан 65 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратиш режалаштирилган. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, жорий йилнинг биринчи чораги давомида кичик бизнес субъектларига 11,8 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,5 баравар ўсишига эришилди. Банкнинг ушбу кредитлари ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этилганлиги эса банк жамоаси шу орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга кўмаклашаётганлигини кўрсатади.

Масалан, Эллиққалъа туманидаги "Boston agrosanoat savdo" масъулияти чекланган жамиятига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган технологик ускуналар олишга имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Корхонада тежам-

кор, яъни кам энергия қуввати сарфлайдиган замонавий ускуналар ўрнатилди. Ушбу ускуналар ўрнатилгандан кейин, бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланиб, бир йилда 25 минг тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Шунинг билан бирга, корхонада кўшимча 5 та янги иш ўринлари яратилиб, шунча киши муқим иш ўринларига эга бўлди. Бу ҳам банк кредитининг самарасидир.

Амударё туманидаги "Avto kayir mayshi" масъулияти чекланган жамиятига ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида хомашё олиш учун имтиёзли шартларда кредит маблағлари ажратилди. Ҳозирда ушбу корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бир йилда 148 млн. сўм миқдоридан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Шунинг билан бирга, корхонада кўшимча 4 та янги иш ўринлари яратилиб, қишлоқ ёшлари муқим иш ўринларига эга бўлдилар.

"Асака" банкнинг сармоялари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Мисол учун, Нукус шаҳрида фаолиятини бошлаган "Indigo trans" шўъба корхонасига банк филиали томонидан аҳолига транспорт хизматларини кўрсатишни яхшилаш мақсадида узоқ муддатли

кредит маблағлари ажратилди. Банк кредити ҳисобига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий "Исузи" русумли автобуслар олинди, Нукус шаҳри ва шаҳар атрофидаги аҳолининг узоғини яқин қилиб, намунавий хизмат қилмоқда. Бу ерда 15 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бир қаторда банк жамоаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истағида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий тадбиркорликка қўл уришни ният қилган оилаларга ўз фаолиятларини бошлашлари учун кредитлар ажратиш орқали тадбиркорликка жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам ибратлидир. Бундан ташқари "Agrofirma temur barakat" агрофирмаси раҳбари, касб-хунар коллежи битирувчиси, ёш тадбиркор Тимур Рўзимов жорий йил 12-13 март кунлари мамлакатимиз пойтахтининг кўргазма савдо марказида ўтказилган "Банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари VIII-йиллик "BankExpo-2015" миллий кўргазмаси"да "Асака" банк томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди ва унга кредит ажратилди. Банкдан олинган кредит ҳисобига ёш тадбиркор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий ускуналарни олиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ниятида. Бунинг натижасида кўшимча 5 та янги иш ўринлари яратилди ва ўзига ўхшаш ёшлар ишга қабул қилинади.

— 2009 йилдан бери "Асака" банк мижозиман, — дейди тадбиркор Клара Худайбергенова. — "Асака" банкнинг молиявий ёрдами мен ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Ишим самарали бўляпти, оиламга барака кирди. Булар ҳаммаси "Асака" банкнинг ҳамкорлиги шарофати билан амалга ошаёпти.

Қисқача қилиб айтганда, "Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиали томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, банк кўмағида аҳолида тадбиркорлик қобилияти шаклланиб, кичик бизнес вақиллари иқтисодиётимизни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Тадбиркорликни ривожлантириш, бунёдкорлик ва тараққиёт учун хизмат қилиш эса банк жамоасининг доимий эътиборида турибди. □

Хизматлар лицензияланган



Ўзбекистон «Н» гуруҳида



Жорий йилнинг 14 апрель кuni Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида ЖЧ-2018 ва Осиё кубоги-2019 қўшма саралашининг иккинчи босқичига қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унда 40 та жамоа 8 та гуруҳга тақсимланди.

Қўрға натижасига кўра, Миржалол Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси "Н" гуруҳида Бахрайн, Филиппин, КХДР ва Яман терма жамоаларига қарши куч синашади-

гак бўлди. Гуруҳдаги рақибларга назар ташлайдиган бўлсак, терма жамоамиз бир неча бор рўбарў келган рақибларни ҳам кўришимиз мумкин.

Бахрайн терма жамоаси билан бўлиб ўтган ўйинларни барча яхши эсласа керак. Шимолий Кореяга қарши ўтандиган учрашувлар эса ҳамisha жиддий курашларга бой бўлган. Бу терма жамоа Осиё қитъасининг грандларидан бўлмаса ҳам, исталган пайтда рақибларига "бош оғриғи" бўлиши мумкин.

Терма жамоамизнинг Яман терма жамоаси билан куч синашганига анча бўлди.

Эслатиб ўташимиз, гуруҳларида 1-ўринни эгаллаган 8 та терма жамоа ва энг яхши кўрсаткичга эга 4 та 2-ўрин соҳиблари кейинги босқичга чиқишади.

Тақвимга назар ташлайдиган бўлсак, Миржалол Қосимов шогирдлари 1-турда май-

донга туширмайди. Ўзбекистон терма жамоаси саралашини КХДР термасига қарши сафарда кечадиган ўйин билан бошлайди ҳамда ўз майдонида Бахрайн терма жамоасини қабул қилиш билан яқунлайди. Кўйида гуруҳимиздаги барча ўйинлар тақвими билан танишишингиз мумкин.

16 июнь, 2015 йил. КХДР — Ўзбекистон, Яман — Филиппин
3 сентябрь, 2015 йил. Ўзбекистон — Яман, Бахрайн — КХДР

8 сентябрь, 2015 йил. Яман — Бахрайн, Филиппин — Ўзбекистон

8 октябрь, 2015 йил. КХДР — Филиппин, Бахрайн — Ўзбекистон

12 ноябрь, 2015 йил. Ўзбекистон — КХДР, Филиппин — Яман

17 ноябрь, 2015 йил. Яман — Ўзбекистон, КХДР — Бахрайн

24 март, 2016 йил. Бахрайн — Яман, Ўзбекистон — Филиппин

29 март, 2016 йил. Филиппин — КХДР, Ўзбекистон — Бахрайн

Меҳнатсевар ва самимий инсон, прокуратура фахрийси Аҳмад Шербеков табаррук 80 ёшни қарши олмақда. У 35 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Самарқанд вилоятида эл-юрт тинчилиги ва осовиш-талиғини таъминлашдак масъулиятли ҳамма шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Касбига фидойи



У қайси лавозимда ишлашдан қатъи назар, ҳамisha билимдон ва таҳрибали ҳуқуқшунос сифатида жамоатчилик орасида катта эътибор қозонди.

Аҳмад Шербеков иш фаолияти давомида Самарқанд шаҳар прокуратурасида терговчи, катта терговчи, шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, туман прокурорининг ёрдамчиси ва катта ёрдамчиси, туман прокурорининг ўринбосари, Оқдара туман прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, изланувчанлиги, фидойилиги ва ташаббускорлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматиға сазовор бўлди.

Камтарлиги ва хизмат бурчиға содиқлиги билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида эътибор қозонди.

Аҳмад Шербековнинг узок йиллик меҳнат фаолияти ҳуқуқимиз ва Бош прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, у "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони ва бир қанча медаллар билан тақдирланди.

Ҳурматли Аҳмад Шербекович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизға ва оила аъзоларингизға мустаҳкам соғлиқ, оилавий тоғувлик, хонадонингизға тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизға тўкинлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Гуруҳлар тақсимоти кўйидагича:							
«А» гуруҳи	«В» гуруҳи	«С» гуруҳи	«D» гуруҳи	«Е» гуруҳи	«F» гуруҳи	«G» гуруҳи	«Н» гуруҳи
БАА	Австралия	Хитой	Эрон	Япония	Ироқ	Жанубий Корея	ЎЗБЕКИСТОН
Саудия Арабистони	Иордания	Қатар	Уммон	Сурия	Вьетнам	Кувайт	Бахрайн
Фаластин	Тожикистон	Мальдив ороллари	Ҳиндистон	Афғонистон	Тайланд	Ливан	Филиппин
Шарқий Тимор	Қирғизистон	Бутан	Туркменистон	Сингапур	Индонезия	Мьянма	КХДР
Малайзия	Бангладеш	Гонконг	Гуам	Камбоджа	Хитой Тайпейи	Лаос	Яман

Реклама (эълонлар)

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичга-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик «Аукцион» савдоларига таклиф этилади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 март кунги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгурчи ва чакана савдони ташкил этишни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қўришга ҳама Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК туғатиш комиссиясининг 2015 йил 8 апрелдаги 11-сонли хатига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг кўйида келтирилган жамиятдаги улушлари тақдоран кўйилади.

1. Езёвон туман "Матлуботсавдо" МЧЖдаги 25,0 фоиз улуши, улушнинг бошланғич баҳоси 11 642 807 сўм.

2. Бағдод туман "Тайёрловсавдо" МЧЖдаги 24,99 фоиз улуши, улушнинг бошланғич баҳоси 18 777 109 сўм.

улуш бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан закатат пулини тўлов ҳужжатида улушнинг номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" — "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реэквиэнтлари, ИИИ: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлиминдаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

«FAR PIRAMIDA INVEST» МЧЖ барча юридик ва жисмоний шахсларни очик танлов савдосига таклиф этилади.

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти, Данғара тумани ҳокимининг 09.04.2015 йилдаги 163-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга кўйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1. Савдо ва майиш хизмат кўрсатиш шохобчаси куриш учун Данғара тумани, Данғара ШФЙ, Истиқлол мавзеи 1-зона ҳудудига жойлашган умумий ер майдони 40 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 21 996 сўм.

2. Тикувчилик пехи куриш учун Данғара тумани, Чинобод ҚФЙ, Чинобод-2 мавзеи 1-зона ҳудудига жойлашган умумий ер майдони 200 кв.м. бўлган ер участкаси. Минимал қиймати — 109 978 сўм.

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — танлов ташкилотчисиға закатат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; — танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақдирлари.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Данғара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдириш-нома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 18 май кунга соат 18:00да тўхтатилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорларнинг конвертлари Данғара тумани ҳокимлиги биносида 2015 йил 20 май кунга соат 13:00да очилади.

Шу кунга савдола сотилмаган ер участкаларининг тақдорий савдоси 2015 йил 5 июнь кунга соат 13:00да бўлиб ўтади. Тақдорий савдога буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 3 июнь кунга соат 18:00да тўхтатилади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Б.Марғиёний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел: (0-590) 307-11-88, 630-66-99, www.fer-piramida.uz. Лицензия № RR 0131.

Конвертлар очилган санадан бошлаб 10 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини "Асака банк" Фарғона филиали, МФО:00539, СТИР: 300353028, 20208000404602810001 х/р.ға тўлашлари лозим.

Хизматлар лицензияланган

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридиға ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманомалар билан бирга кўйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этиди:

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси департаментнинг Сергели туман бўлими катта инспектори Жасур Сапаровға волидан муҳтарамаси

Барно САПАРОВАНING
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратурасининг бўлим катта прокурори Игорь Лига ораси

Раиса ТЯННИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir Jur'atovich MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA

Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariغا qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-2676. 47 750 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terilil va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G. ALIMOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O. DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617
9 772010 761004